

## ЁШЛАРНИ ГОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ

Рахимбаев З. Н.

Тошкент давлат транспорт университети

Жуманиёзова Н.С

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси в.б. доценти

### АННОТАЦИЯ

Бугунги кун талаба-ёшларида ахлоқий дунёқарашини шакллантириши усулларида нималардан фойдаланиши талаб етилади. Ҳозирги глобаллашув шароитида дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдиидларнинг олдини олиши, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ёшларни ҳимоя қилиши масалалари алоҳида тўхталиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Инсон маънавий-ахлоқий камолоти, Гоявий тарбия масаласи, Ислом дини, давлат ва жамият, оммавий маданият, халқимизнинг юксак маънавияти,adolatпарварлик, маърифатпарварлик.

### ABSTRACT

*What is required to be used in the methods of formation of moral outlook among today's students. The issues of prevention of various spiritual threats that are increasing in the world in the current globalization conditions, protection of young people from the harmful influence of "mass culture" are discussed separately.*

**Key words:** Human spiritual and moral perfection, the issue of ideological education, Islamic religion, state and society, public culture, high spirituality of our people, justice, enlightenment.

### КИРИШ

Бугунги кунда инсон, жамият аъзоси, турли гуруҳ ва жамоаларнинг вакили сифатида доимо уларнинг таъсири остида бўлади. Яъни, ҳар бир шахснинг феъл атворида, хатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, профессионал тоифа, жамоа ва оиланинг ижобий ёки салбий таъсири бўлади. Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар унинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, тафаккурида ўз аксини топади. Бундай таъсирларнинг икки хили мавжуд: — макро босқичдаги таъсирлар ёки кенг маънодаги ижтимоий-маънавий, сиёсий ҳамда иқтисодий муҳит таъсирлари; — микро босқичдаги таъсирлар ёки бевосита инсон боласи туғилиб ўсадиган оила, таълим ва тарбия масканлари, меҳнат жамоаси, маҳалла ва дўстлар муҳитидаги таъсирлар. Бир қарашда, инсон феъл-атворини иккинчи босқич таъсирларигина белгилайдигандай

туюлади. Чунки, «Куш уясида кўрганини қиласи», деганларидек, айниқса, ўзбекчиликда одамнинг оиласи, насли-насаби, маҳалласи, таълим олган билим даргоҳига катта эътибор берилади ва бундай муносабат ҳаётда ўзини оқлайди ҳам. Лекин макро босқичдаги таъсирларнинг аҳамиятини ҳам камситиш тўғри бўлмайди. Масалан, шўролар тузуми жамият аъзоларининг муте, тобе, ихлоссиз, баъзи бир жиҳатдан имонсиз бўлиб камол топишига замин яратганки, бунга асосан ўша муҳитдаги носоғлом, инсон қадрини ерга урувчи иқтисодий сиёsat, коммунистик идеология сабаб бўлган. Умуман, тарихдан ҳам маълумки, қайси давлат ва мамлакатни олмайлик, бос-қинчилик сиёsatи юргизилган жамият одамларининг психологияси мус-тақил юрт фуқаролари психологиясидан кескин фарқ қиласи. Мустақиллик психологияси шундайки, унда ҳар бир фуқаро ўзининг эркин меҳнати билан ўзи ва ўзгалар манфаати ҳақида бирдай қайгуради, чунки фидокорона меҳнат ёки тинимсиз изланишсиз на алоҳида шахснинг, на жамоанинг бири икки бўлмайди. Ўз истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ҳам айнан шу юрт, шу заминда туғилиб, яшаб, меҳнат қилаётганлар манфаатини кўзлашини ҳар бир эркин фуқаро тўла англайди. Ҳар бир алоҳида шахс онги ва шуурида шаклланган туйғулар, фикр-лар ва муносабат яхлит жамият, халқнинг фикри ва ғурурига айланганда шундай қудрат касб этадики, оқибатда эркин ва хур яшаш, Ватан тинчлиги ва ҳар бир оиланинг хотиржамлигини таъминлаш халқ-нинг эътиқоди бўлиб қолиши лозим. Демак, кўпчиликнинг маслак ва тилаклари, фикрлаши ва муносабатига айланган ғоя, тасаввур ва билимлар тизими халқ эътиқоди деб аталади. Халқ эътиқоди ва унинг рухи шундай қудратли таъсир кучига эгаки, у ҳар бир соғлом фикрловчи инсонни ижодий фаолиятга, касби-корнинг ҳалол бўлишига замин яратади. Ўзбек халқи ана шундай илоҳий марҳаматга сазовор бўлган, ўз миллий эътиқодига эга миллатлардан биридир. Буни биз буюк инсонлар, мутафаккирлар тимсолида кўрсак бўлади. Чунки халқ рухи ва ундаги эътиқодни миллатнинг энг илғор вакиллари, мутафаккирлар ифода этади. Масалан, Амир Темурнинг давлат қурилиши ва саркардалиқ бобидаги юксак иқтидори халқимиз руҳиятидаги салоҳият ва имконият ифодаси бўлган Алишер Навоийнинг ижоди ҳам халқ эътиқодининг ўлмас намунасиdir. Халқ эътиқоди, юқорида эътироф этилганидек, ҳар бир шахс эътиқодининг йўналишини белгилайди. Атрофдагилар ва яқинлари тақдирига бефарқ бўлмаган, кўпчилик манфаатини ўз манфаатидан устун билган инсон бундай эътиқодга берилган ва ундан таъсирланган ҳисобланади. Агар инсон боласининг туғилиш онларидан бошлаб, унинг илк ривожланиш даврлари хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, дастлаб у табиатан факат ўз ички

ҳиссиётлари, туйғулари домида — муайян худбинлик доирасида ривожланади. Яъни, унинг учун ўз хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ва уларни қондиришдан ортиқ ташвиш йўқдай. Лекин ўша эҳтиёжлар орасида ота-онасига, энг яқинларига нисбатан ҳиссий интилиш, улар билан эмоционал мулоқотга кириш истаги кучли бўлгани сабаб у инсонлар жамияти ва ундаги муносабатлар меъёрларини секин-аста ўзлаштириб боради. З ёшдан сўнг оиладаги мулоқотга тенгқурлар жамиятидаги мулоқот қўшилиши муносабати билан бола худбинлик кайфиятидан янада тезроқ воз кеча бошлайди. Акс ҳолда жамият, кўпчилик унинг инжиқликларини кўтартмайди. Шу тарзда соғлом мулоқот муҳити болани кўпчиликнинг фикрига эргашиш, кўпчилик ҳақ деб эътироф этган ахлоқ меъёрларини эгаллаш, инсонийлик тамойилларига амал қилишга ўргатади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Фоявий тарбияда ҳалқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутиб, у миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, уни авлодлардан авлодларга ўтказиб, тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқариб, ўзлигини доимо сақлаб келаётган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатларини ўзида ифода этади. Шу ўринда гоявий тарбия мезонларидан бири бўлган муқаддас динимизнинг аҳамияти бекиёсdir. Дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir.

Ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт - бу янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, гоявий тарбия мезонлари шаклланишига ўзига хос таъсири ўтказади. Шу нуқтаи назардан қараганда, заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим. Жамият эса ўз заминининг мутафаккирлари, дини ва кашфиётлари, маърифат, илму фан, маданият каби соҳаларидан буларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган ҳалқимизнинг гоявий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришда, уни намуна қилиб қўрсатишида фойдаланади. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чукур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини авлодларга етказиш масаласи барча, биринчи галда, зиёлилар, бутун жамоатчилик учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос мафкурасини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чунки

инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётай тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг харakterи, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган мағкуравий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидағи умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оиласи муносабатларнинг негизини, оиласининг ғоявий асосини ташкил этади.

Ғоявий тарбия мезонлари ҳақида сўз кетганда, маҳалланинг ўрни ва таъсири хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, ўзбек маҳаллалари азалдан чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томуша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик б-н бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-о. ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқарув тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қилинади. Ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртдаги мағкуравий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлган киши, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол қўриш имконига эга бўлади.

Ғоявий тарбия мезонларидан яна бири илму маърифат, таълим-тарбия бўлиб, уларга инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови сифатида қаралган. Келажак пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни қўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш иши таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиб қолади. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Таълим муассасалари Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаолари, миллий истиқлол ғояларини ёшлиар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишларига хизмат қилади. Бу боарда жамият ҳаётининг барча соҳаларини

қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориши, таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишида миллий истиқлол мағкурасини сингдиришда дифференциал педагогик-психологик дастурлар яратиш, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мағкураси ғояларини теран акс эттириш, мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мағкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, педагог кадрларнинг мағкура борасидаги билимларини чукурлашириш муҳим аҳамиятга эга йўналишлардир.

Таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичи, ўз навбатида, миллий ғояларни ёшлилар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутади.

**Мактабгача таълим муассасалари.** Бу ўринда ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандининг мактабгача тарбияси унинг кейинги тараққиёт даврида қанчалик аҳамият касб этиши, бу давр узлуксиз таълим ва тарбиянинг муҳим босқичи эканини англаб этишига эришиш зарур. Бунда оиланинг мактабгача таълим муассасалари тизимиға изчил уйғунлашувига эришишни назарда тутиш керак. Бу даврдаги барча мактабгача таълим-тарбия муассасалари болалардаги умумий саводхонлик ва мактабдаги таълим-тарбияга тайёрлаш жараёнининг муҳим ва зарурый босқичи сифатида қаралиши лозим.

Бевосита таълим берувчи муассасалар (мактаблар, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари) мағкуравий тарбиянинг асосий ўчоқлариdir. Уларнинг барчасида амалга ошириладиган мағкуравий таълим жараёнида, барча ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, қўшимча адабиётларда қуйидаги омиллар устувор аҳамият касб этиши лозим. Шу билан бирга Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш; она тилимизга муҳаббат уйғотиш, миллий қадриятларга ҳурмат қилиш ва эъзозлаш, эзгулик тимсоли бўлган аёлни улуғлаш, оиланинг ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашдаги ролини кўрсатиш, маҳалланинг демократия дарсхонаси ва ўз-ўзини бошқариш мактаби эканини тушунтириш, муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятларнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дунёвий илмларга интилиш ва илғор маданиятни шакллантириш воситаси эканини уқтириш, дин ва дунёвий билимларнинг ўзаро қарама-қарши эмаслигини англишиш, маърифатнинг шахс интеллектуал салоҳиятини оширишдаги имкониятлари кенглигини исботловчи далиллар келтириш, сиёсий ва ҳуқуқий маданият соғлом

дунёқарашнинг муҳим омили эканлиги тўғрисидаги маълумотларни кўпайтириш бу боардаги зарур билимлдарни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Таъсир воситаси (алоқа тармоғи). Тарбияда яна бир омил — маълумотнинг нима воситасида узатилиши масаласи долзарбдир. Албатта, одамларга юзма-юз туриб, ўз фикр ва эътиқодини баён этиш энг таъсиран усулдир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тингловчи билан алоқа бевосита ёки бавосита бўлади. Юзма-юз учрашувлардаги мулоқот ёки таълим-тарбия жараёнидаги таълим берувчи билан ўқувчи ўртасидаги алоқа ёки ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар бевосита алоқага мисол бўлса, оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, телевидение, радио, газета ва журналлар, китоб ёки рисолалар воситасидаги мулоқот бавосита алоқани билдиради. Ижтимоий реклама ҳам, инсон онги ва идрокига таъсир кўрсатувчи кучли восита ўлароқ, ғоявий тарбияда катта ўрин тутади. Масалан, таниқли ва баобрў шахсларнинг маданий ва маънавий меросимиз, обидаларимиз олдида туриб интервью беришлари самарали бўлади. Мисол учун, Самарқанддаги Регистон майдонида интервью берётган шахс шаҳардаги ободончилик ишлари ҳақида гапираётган бўлса ҳам, асрий обидалар томошабинда миллий маданиятимизга хурмат, ундан ғурурланиш туйғуларини ўша муқаддас қадамжоларни бориб зиёрат қилиш истагини уйғотади. Аудитория, яъни тингловчилар хусусида гап кетганда, қандай инсонлар ишонувчан бўлади, қандай одамлар соғлом ғояларни ёт, бузгунчи ғоялардан фарқлай олади, деган савол ўта муҳимдир. Чунки одамлар ҳар хил. Масалан, улар биргина сифатлари — ўз-ўзларига бўлган баҳолари нуқтаи назаридан фарқ қиласи. Масалан, ўзи, ўз қобилият ва фазилатлари хусусида камтарона фикр юритадиган одамларнинг янги маълумотларга, нотаниш манбаларга ишониши, эътиқод ҳосил қилиши жуда секин содир бўлади, улар ўзларига қанчалик ишонмаса, бошқаларга ҳам шунчалик ишонмайди. Ўзи ҳақида анча юқори фикрлар билан юрадиганлар эса маълумотларни тез қабул қиласи, лекин ўзларидаги мавжуд фикрларга нисбатан ҳам кибор, ғурур бўлгани сабабли, бошқаларнинг фикрига тезгина эргашмайди. Демак, хулоса шундайки, инсоннинг ўзига бўлган баҳоси меъёрида, ўртача ҳамда холис бўлиши керак. Психологик жиҳатдан аудиториянинг тўрт тури фарқланади: 1. Пассив ўзлаштирувчи аудитория. Бу ўзини холис баҳолай олмайдиган содда инсонлар бўлиб, уларга ўз навбатида содда, тушунарли, қизиқиши уйғотувчи маълумотлар ёқади. Мафкуравий мавзудаги ахборотлар ҳам ҳаётӣ, лўнда фикрларда баён этилса, уларда ижобий муносабат шаклланади. 2. Фаол, ижтимоий жиҳатдан баркамол аудитория. Булар маълумотли, зиёли, янгиликка ўч инсонлар бўлиб, уларга таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ахборот муаммоли,

долзарб, баҳсталаб бўлгани маъқул. Талабалар, магистрант, аспирантлар, олимлар шулар жумласидандир. 3. «Эътиқоди суст» аудитория. Булар маълум сабабларга кўра, тарбияси оғир кимсалар тоифасига кириб қолган, ҳаётда аниқ мақсади ва маслаги йўқ, ўз устида ишламайдиган инсонлар. Уларнинг орасида асосан ўсмир ва ўспириналар кўп бўлади. Диний ақидапарастларнинг домига тушиб қолган ёшлар ҳам шулар жумласидандир. Улар янгиликлар, тафсилотларга бой ахборотга ўч бўлади. Шунинг учун бундай тоифадаги кимсаларга баобўр шахслар орқали таъсир кўрсатиш маъқул. 4. «Уй» аудиторияси — асосан уй бекалари, қариялар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вақтини уйда ўтказадиганлар. Уларни ҳаётий видеофильмлар, қизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қиласди. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, уларнинг соддалиги, самимиятга ўчлиги ва инсоний эътиборга муҳтожлигини инобатга олиб иш кўрилса, самарали бўлади. Улар кўпроқ уй ишлари билан банд бўлгани учун мулоқот ва учрашувлар уларнинг дам олиш вақтларига мўлжалланиши, миллий удумлар, расм-русумларимизнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш, таъсир вақти ва жойи масаласини маҳалла фаоллари ва хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда ўйлаб кўриш керак бўлади. Мафкуравий ишларни ташкил этишда аудиториянинг катта ёки кичиклиги ҳам инобатга олиниши керак. 100-200 кишидан зиёд одам бўлса — катта, 15- 100 тагача одам бўлса — ўртacha, 15 тагача бўлса — кичик аудитория ҳисобланади. Воиз билиши шарт бўлган қоидалар: — катта аудиторияда — воизлик маҳоратининг ўта юқори бўлиши; — кўргазмали воситалардан фойдаланишда аниқлик; — саволларнинг имкон даражасида кам бўлиши; — кичик аудиторияда — савол ва жавобларнинг имкон даражасида кўп бўлиши; — расмиятчиликдан холи бўлиши; — нотиқнинг мавзуга оид билимларининг мукаммал бўлиши; — воизлик маҳорати ўртacha бўлиши ҳам мумкин; — мавзу мазмунни ёритишда ижодий ёндашув. Бундан ташқари, аудиториянинг ёш хусусиятларини, уларнинг билимлари даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Мафкуравий тарбия ишлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Бу — ўта нозик ва масъулиятли иш. Агар бундай иш кичик аудиторияларда амалга оширилган бўлса, унда тингловчи-ёшлар, тарбияланувчилар ёки талаба-ўқувчиларнинг дунёқарашларини бевосита сухбатлар, ёзма ишлар ва уларнинг ишга, воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатлари ор-қали аниқлаб, машғулотларни қайта-қайта ўтказиш мумкин. Мафкуравий таъсир самарадорлигини ўлчаш мезонлари қуидагилардан иборат: — аҳолининг сиёсий бидимдонлиги, ижтимоий фаоллиги; — жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамларнинг ўзини руҳан тетик ва бардам тутиши; —

ватанпарварликнинг турли кўринишлари кундалик турмушда тобора қўпроқ намоён бўлиб бораётгани; — аҳолида билим савиясини оширишга интилишнинг кучайиши, газетажурнал, вақтли матбуотга талаб ва таклифнинг ортиб бориши; — жиноятчилик ва хуқуқбузарлик ҳолатларининг камайиб бориши, аёллар ва ўсмирлар ўртасида содир этиладиган жиноятчиликнинг бартараф этилиши; — гиёҳвандлик ва турли заарли одатларнинг ёшлар ўртасида камайиб бориши, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки; — диний, дунёвий билимларга интилиш, шу соҳалардаги адабиётларга нисбатан эҳтиёжнинг бир маромда сақланиши; — оиласарнинг мустаҳкамлиги, ажримларнинг камайиб бориши; — фуқароларда қонунларга нисбатан итоаткорликнинг шаклланиши; — бутун жамият миқёсида соғлом маънавий ва ижтимоий муҳитнинг шаклланиши. Ижтимоий фикрни ўрганиш. Бу — маънавий-мафкуравий тадбирларнинг кенг ҳалқ оммаси ва ёшлар онгига нечоғлик чуқур сингиб бораётганини ўрганишнинг ишончли йўлларидан биридир. Ижтимоий фикр - гуруҳ ёки жамият томонидан яқдил тарзда изхор қилинадиган умумий нуқтаи назардир. Ижтимоий фикр кўпинча ижтимоий психология ҳамда социология фанлари томонидан ўрганилади. Лекин жамият тараққиётининг ҳозирги босқичига хос бўлган жараёнлар ижтимоий фикрни фақат маълум гуруҳ мутахассисларигина эмас, балки барча фаол шахслар ўрганишини тақозо этади. Фоявий тарбиянинг моҳияти. Шахс тарбиясининг муҳим йўналиши — бу фоявий тарбиядир. Бу — инсон онги ва тушунчалари тизимида ҳаёт ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий қарашларни мақсадли шакллантириш жараёнидир. Ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир. Чунки оиласи оламизми, болалар боғчасиними, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, университет ёки академияни оламизми — ҳаммасида бериладиган таълимтарбия жараёни талаба ва тингловчилар дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг онгини илмий асосланган билимлар билан бойитиш ҳамда жамият учун, унинг равнақи учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга йўналтирилган бўлади. Бу ишлар боланинг дунё ҳақидаги, оламнинг ривожланиш қонуниятлари, инсоний муносабатлар борасидаги ўзига хосликлар, ахлоқ тамойиллари, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга хизмат қилади. Бу том маънода мафкуравий тарбиянинг асоси, пойдеворидир. Шунинг учун мафкурасиз инсон, мафкурасиз гурух, миллат, ҳалқ, жамият бўлиши мумкин эмас.

## REFERENCES

1. Sutrina, John Joseph, "Literary criticism contained in the works of Mark Twain" (1951). Graduate Student Theses, Dissertations, & Professional Papers. 2854. <https://scholarworks.umt.edu/etd/2854>. - 21p.
2. Куйирокда улардан бири, Томнинг Сахро Кабирга ҳаво шаҳридаги саёҳати хақида фикр юритилади.
3. Старцев А. Марк Твен и Америка./Твен, Марк. Собрание сочинений в восьми томах. Том 1. – Москва: Правда, 1980. – 3-4 с.(401).
4. Марк Твен. Том Сойернинг янги саргузаштлари. - Тошкент: Ёш гвардия, 1980. [www.ziyouz.com.kutubxonasi](http://www.ziyouz.com.kutubxonasi).
5. Ҳасанов, М. Н., Азимбаев, А. А., & Каримов, Б. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ.
6. Раматов, Ж. С., & Ҳасанов, М. (2022). МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 952-956.
7. Ramatov, J. S., Valiev, L. A., & Xasanov, M. N. (2022). XIX ASRDA HINDISTONDAGI IZHTIMOII-FALSAFIY JARAYONLAR.
8. Кушаков, Ф. А., Ҳасанов, М. Н., Баратов, Р. Ў., Раматов, Ж. С., & Султанов, С. Ҳ. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 803-810.
9. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
10. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Султанов, С. Ҳ., Муратова, Д. А., Ҳасанов, М. Н., & Эрниёзов, У. К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНМОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 376-386.
11. Hasanov, M., & Tuhtaboev, E. (2021). THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENAISSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS). *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(05), 1-6.
12. Ҳасанов, М. Н., Ҳафизов, Д. А., Тоиров, Р. Ҳ., & Болтабоев, Ҳ. Қ. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ.
13. Kaipbergenova, D. (2016). CHET TILI O'QITUVCHILARINING KASBIY VAZIFALARI VA PEDAGOGIC MAHORATI HAQIDA. ВЕСТНИК

КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 33(4), 48-50.

14. Orakbayevna, K. D., Normuminovich, M., & Muxiddinovna, M. Z. (2021). English language teaching methodology for non-native speakers. *Linguistics and Culture Review*, 5(S3), 1721-1725.
15. Orakbayevna, K. D. (2022, February). SYNTACTIC AND SEMANTIC FEATURES OF COMPARISON IN ENGLISH, UZBEK AND RUSSIAN LANGUAGES. In Conference Zone (pp. 145-147).
16. Orakbayevna, K. D. (2022). THE IMPORTANCE OF GRAMMAR IN LEARNING A FOREIGN LANGUAGE. *Confrencea*, 7(7), 69-72.
17. Orakbayevna, K. D. (2022). Using effective language learning strategies in teaching English. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 2, 1-3.
18. Orakbaevna, K. D. (2022). USING THE PRINCIPLE OF UNITY IN EDUCATION. *PEDAGOG*, 1(4), 1467-1473.
19. Kaipbergenova, D. (2017). THE IMPORTANCE OF MATERIAL DESIGNING IN LANGUAGE TEACHING. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 34(3), 62-63.
20. Kaipbergenova, D. (2016). CHET TILI O'QITUVCHILARINING KASBIY VAZIFALARI VA PEDAGOGIC MAHORATI HAQIDA. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 33(4), 48-50.
21. Бўрихаджаева, М.С. (2023). МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ КОРИДОРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3 (1-2), 338-345.
22. Bo'rixadjayeva, M. S. (2023). YANGI O'ZBEKISTONDA TA'LIM MUASSASALARIDA BERILAYOTGAN E'TIBOR VA TALABALARINI IMLIY FAOLYATGA YO'NALTIRISH. *PEDAGOGS jurnali*, 28(1), 68-75.
23. Bo'rixadjayeva, M. S. (2023). PEDAGOGIKNING KASBIY MAHORATINI SHAKLANTIRISH INTERFAOL USULLARI. *World scientific research journal*, 12(2), 128-133.
24. Bo'rixadjayeva, M. S. (2023). YANGI O'ZBEKISTONDA IQTISODIY TAFAKKURNI SHAKLLANISHINING USULLARI. *World scientific research journal*, 12(2), 134-138.